



## INVENTORY IN AGROCLUSTERS AND ITS IMPROVEMENT

Ruziyeva Dilafruz Faxridinovna

Researcher (PhD) of Tashkent State University of Economics,

E-mail: dlafruzfaxridinovna\_87@umail.uz

**Abstract.** The article examines issues of improving the practice of organizing, conducting and formalizing the results of inventory in agroclusters. As a result of the research, a scientific proposal and practical recommendations were developed.

**Key words:** agrocluster, inventory, inventory plan, inventory items, accounting charts, chart correspondence.

## АГРОКЛАСТЕРЛАРДА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ЎТКАЗИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рузиева Дилафруз Фахридиновна – Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчisi

**Аннотация.** Мақолада агрокластерларда инвентаризацияни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш амалиётини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Изланишлар натижасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** агрокластер, инвентаризация, инвентаризация режаси, инвентаризация объектлари, бухгалтерия счетлари, счетлар корреспонденцияси.

Иқтисодиёт тармоқларини, жумладан қишлоқ хўжалигини ер, сур, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида жадал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфиззилигини таъминлаш ва қишлоқ аҳолиси турмуш турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланда. Шунинг учун, Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қиласанаётган стратегик дастурларда бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 2024 йилда қўйидаги вазифалар режалаштирилган: “Бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 4,3 минг долларга, қишлоқ хўжалиги экспорт ҳажмини 2,5 миллиард долларга, пахта ҳосилдорлигини ўртача 35,5, ғалла бўйича 69,0 центнерга етказиш, замонавий ресурс тежамкор технологияларни пахта ва ғалла майдонларининг 33 foизида жорий этиш, қўшимча 91 минг гектар ер майдонини замонавий сув тежайдиган технологияларни қўллаш, 2,5 миллион тонна қувватга эга бўлган 11 та янги агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш” [2].

Қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни бажаришда қишлоқ хўжалигига буғунги кунда асосий хўжалик юритиш шаклига айланниб улгурган агрокластерлар фаолияти ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун, агрокластерларда ҳам мавжуд ер, сув, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни янада такомиллаштириш муаммолари кун тартибига чиқади.



Ушбу муаммоларни ҳал этишда агрокластерларда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида түғри ташкил этиш ва юритиш билан бирга мавжуд мулкни сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш лозим бўлади. Мавжуд мулкни тўла сақланиши, улардан мақсадга мувофиқ самарали фойдаланишда ички назоратнинг асосий усулларидан бири бўлган инвентаризацияни ўз вақтида, сифатли ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлили, агрокластерларда инвентаризацияни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича ташкилий-услубий муоммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Инвентаризация - бу хўжалик активлари ва мажбуриятларини ҳақиқатда мавжудлигини ҳисоб маълумотлари билан таққослаш жараёнига айтилади. Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усулининг элементларидан биридир. “Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишонччилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади” [1].

Инвентаризациянинг асосий мақсадлари мол-мulkning ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мulkни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш. Инвентаризация ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган (02.11.1999 й. N 833), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (19.10.1999 й. №эг/17-19-2075) 19-Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» [3] билан белгиланади.

Агрокластерларда 19-БХМСга кўра, ҳисбот йилида ўтказиладиган инвентаризациялар сони, уларни ўтказиш санаси, уларнинг ҳар бирида текшириладиган мулклар ва мажбуриятлар рўйхати кўрсатилган инвентаризация режаси тузилади. Режага асосан, товар-моддий захиралар инвентаризацияси бир йилда камида бир марта амалга оширилади. Асосий воситалар инвентаризацияси икки йилда камида бир марта, кутубхона фондлари эса беш йилда бир марта амалга оширилади. Пул маблағлари, пул хужжатлари, қийматликлари ва қатъий ҳисобдаги бланклар инвентаризацияси ойда бир марта, ёнилғи-мойлаш материаллар, озиқовқат маҳсулотлар - ҳар чоракда, қимматбаҳо металлар - агрокластерлар “Ҳисоб сиёсати”га мувофиқ ўтказилади.

Бундан ташқари, қуйидаги ҳолатларда режадан ташқари инвентаризация ўтказилади:  
асосий воситалар ва товар-моддий қийматликлар қайта баҳолангандан;  
моддий жавобгар шахслар алмашгандан (ишларни қабул қилиш — топшириш кунида);  
ўғирлик ёки суиистеъмол, шунингдек, қийматликларни бузилиши фактлари аниқлангандан;

табиий офатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки ғайритабиий шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;

агрокластернинг ишлаб чиқариш бўлинмаси тугатилганда (қайта ташкил этилганда).

Инвентаризация агрокластер раҳбари томонидан тайинланган ва буйруқ билан тасдиқланадиган маҳсус комиссия томонидан ўтказилади. Инвентаризация ҳар бир сақлаш жойи ва моддий жавобгар шахс бўйича, унинг қатнашувида алоҳида - алоҳида ўтказилади. Барча моддий бойликлар, албатта, санаш, тортиш ёки ўлчаш йўли билан текшириб чиқилади.

Инвентаризация комиссияси ўтказилган инвентаризация натижасида топилган камомадлар ва ортиқча чиқишлилар сабабларини аниқлайди. Қийматликларнинг йўқолиши ва



бузилиши сабаблари ҳақидаги қарорларни комиссия тегишли ходимларнинг тушунтирув хатлари ва бошқа маълумотлари асосида қабул қилади. Инвентаризация комиссияси томонидан расмийлаштирилган хужжатлар агрокластер раҳбари томонидан тадиқлангандан кейин, унинг натижаларини расмийлаштириш учун бухгалтерияга топширилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мулкларнинг камомадлари қуидаги йўл билан ҳисобдан чиқарилади:

табиий йўқолиш меъёрлари чегарасидаги йўқолишлар, агар айбор шахслар аниқланмаган бўлса ёки айборлар ундириб олиш суд томонидан инкор қилинган бўлса, ишлаб чиқариш, операцион, давр харажатларига;

меъёрлардан ортиқча ҳамда бузилишлардан кўрилган талофатлар айбор шахслар ҳисобидан ундирилади.

Бунда кам чиққан товарлар (материал, мулклар) қийматининг камомади айбор шахслардан ушбу ёки шу каби товарлар (бошқа моддий бойликлар)нинг камомади аниқланган даврда бўлган бозор баҳосидаги қиймати ундириб олинади. Баҳолардаги фарқлар молиявий натижаларга олиб борилади.

Бу хўжалик операциялар бухгалтерия ҳисоби счёtlарида қуидагича акс эттирилади:

1. Аниқланган камомад қийматини ҳисоб баҳосига:

Дебет 5910-«Камомад ва моддий бойликларнинг бузилиши келадиган нобудгарчиликлар»

Кредит Камомад бўлган моддий бойликларни ҳисобга оладиган счёtlар-

2. Моддий жавобгар шахслардан ундириб олинадиган (бозор баҳосидаги) суммага:

Дебет 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» (бозор баҳосида ундирилиб олинадиган суммага)

Кредит 5910-«Камомадлар ва моддий бойликларнинг бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар» (камомаднинг баланс қиймати)

Кредит 6230-«Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» (Моддий жавобгар шахслардан ундириб олинадиган сумма билан қиймати орасидаги фарқ суммага) қиймати ўртасидаги фарқ - баҳолардаги фарқ суммасига.

3. Камомад суммаси ундирилганда бухгалтерия ҳисоби счёtlарида қуидагича акс эттирилади:

Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 6710 «Мехнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоб - китоблар»

Кредит 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимнинг қарзи». Ушбу операция ундирилган камомаднинг бозор баҳосидаги суммасига берилади.

Шу билан бирга моддий жавобгар шахсдан ундириладиган сумма билан қийматликларнинг баланс баҳоси ўртасидаги фарқ қуидаги бухгалтерия ёзуви билан даромадга ўтказилади:

Дебет 6230-«Бошқа муддати узайтирилган даромадлар»

Кредит 9390-«Бошқа операцион даромадлар»

Бир даврнинг ўзида ва бир моддий жавобгар шахсда бир турдаги товар -моддий бойликларнинг камомади ва ортиқча чиқишлиари ўзаро хўжалик ҳисобига ўтказилиши мумкин. Кам чиққан бойликлар қиймати айбор шахслар ҳисобига олиб борилади.

Моддий қийматликларни ортиқча чиқиши аниқланганда у агрокластернинг молиявий натижаларига ўтказилади. Бу операция қуидаги ёзув билан расмийлаштирилади:

Дебет Тегишли моддий қийматликларни ҳисобга оладиган счёtlар.

Кредит 9390-«Бошқа операцион даромадлар»



Табиий йүқолиш мөйөрлари чегарасидаги ёки ундан юқори бўлган камомадлар, айборд шахслар бўлмаганда, табиий талофат ҳисобланиб, пайдо бўлган жойига қараб, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ёки давр харажатларини ошириши керак.

Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан моддий бойликлар қуидаги бухгалтерия ёзуви билан даромадга олинади:

Дебет 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Кредит Моддий бойликларни ҳисобга оладиган счётлар.

Даъво килиш муддати ўтиб кетган кредитор ва депонент қарзлар ҳисобдан чиқарилганда 6720-«Депонентланган меқнат ҳақи» ва 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёtlари дебетланиб 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» счёти кредитланади.

Даъво муддати ўтиб кетган дебитор қарзлар ҳисобидан чиқарилганда 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти дебетланиб, дебиторлик қарзлар ҳисобга олинадиган счётлар кредитланади.

Инвентаризация натижаларини агрокластер бўйича умумлаштириш ва тегишли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун қуидаги шаклда инвентация натижаларининг умумий қайдномасини расмийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Агрокластерларда инвентация натижаларининг умумий ҚАЙДНОМАСИ

Синтетик счети номи	Счет №	Инвентаризация натижаси суммаси, минг сўм				
		Ортиқ		Камомад		
		Жами камомад	Шу жумладан			
Табиий камайиш нормаси	Харажат ҳисобига ўтказилди	Моддий жавобгар шахсга				
Асосий воситалар	0100	5500	-	-	-	-
Номоддий активлар	0400	-	-	-	-	-
Узоқ муддатли инвестициялар	0600	-	-	-	-	-
Ўрнатиладиган асбоб- ускуналар	0700	-	6000	-	-	6000
Капитал қўйилмалар	0800	-	-	-	-	-
Материаллар	1000	2800	5400	1200	-	4200
Ўқтиришдаги ва бокувдаги хайвонлар	1100	3100	-	-	-	-
ва бошқ. Счетлар		-	-	-	-	-
<b>Жами:</b>		<b>11400</b>	<b>11400</b>	<b>1200</b>		<b>4200</b>

Бош бухгалтер

имзо

(Ф.И.Ш.)

Инвентаризация  
комиссияси раиси

имзо

(Ф.И.Ш)



Агрокластерларда инвентаризацияни ташкил этиш ўтказиш ва уни натижаларини бухгалтерия счетларида акс эттириш жараёнини бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуидагиларни таклиф қиласиз:

- Ҳар йили молия йили бошида агрокластерларда инвентаризация ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва уни тегишли тартибда расмийлаштириш;

- Тегишли тартибда расмийлаштирилган инвентаризация ўтказиш режасини ҳар бир моддий жавобгар шахсга етказилишини таъминлаш;

- Йиллик молиявий ҳисобот тузишдан олдин агрокластерларда тўлиқ инвентаризация ўтказиш ва уни натижаларини йиллик молиявий ҳисобот тузишдан олдин расмийлаштирилишини таъминлаш;

- Инвентаризацияни ўтказишида 19-БХМСга тўлиқ риоя қилинишига эришиш ва ушбу стандарт асосида тасдиқланган ҳужжатларни расмийлаштириш;

- Инвентаризацияларни режасига асосан ва зарур ҳолларда режадан ташқари ўтказиладиган инвентаризацияларни ўз вақтида сифатли ўтказилишини таъминлаш мажбуриятини агрокластер раҳбаридан олиб, бош бухгалтер вазифасига киритиши.

Юқоридаги таклифларимизга амалиётта жорий этилиши агрокластерларда активларни тўлиқ сақланиши, мажбуриятларни тўғри ҳисобга олиб борилиши таъминлаш билан бирга, активлардан самарали фойдаланиш ва мажбуриятларни ўз вақтида қайтариш имконини бериб, унумсиз харажатларни камайтиради, бухгалтерия ҳисоби ахборотларини ишончлилигини ошиб, қабул қилинадиган бошқарув қарорлари самарадорлигини оширади. Натижада агрокластерлар бўйича умумий самарадорликка эришилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida (yangi tahriri). 13.04.2016 yildagi O‘RQ-404-son. <https://lex.uz/docs/2931253>
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentabrdagi “O‘zbekiston-2030” strategiyasini 2023 yilda sifatli va o‘z vaqtida amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-300-son Qarori. <https://lex.uz/docs/6600390>
3. O‘zbekiston Respublikasi Buxgalteriya Hisobining Milliy Standarti “Inventarizatsiyani tashkil etish va o‘tkazish”. (19-sonli BHMS). O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 1999 yil 2 noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 833. <https://lex.uz/ru/docs/812952>
4. Anthony Robert N., S. Reece James. Accounting Principles (6 th Edition) //A.I.T.B.S. Publishers, 2005. - 696 pages. ISBN: 81853860802.
5. Dusmuratov R.D. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Darslik. –T.: «Fan va texnologiya», 2013. – 476 b.
6. Eshmuradov O.T., Alikulov A. I. Evaluation and accounting of material working cash in agroclasters as an object of accounting. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Special Issue 1 | 2022 ISSN: 2181-1385.
7. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З.. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2004. – 412 б.
8. Остонкулов А., Исканов Х. Инвентаризациянинг назарий – услубий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари. //«Молия» илмий журнали. – Тошкент, 2018. 1–сон, 97–103 бетлар



9. Палий В.Ф. Теория бухгалтерского учета: современные проблемы. - [М.: ИНФРА-М, 2007. -512 с. ISBN \(EAN\): 5-85428-177-5](#)

10. Xasanov B.A., Xashimov A.A., Pardaeva Z.A.. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Mustaqil ta'lim uchun ko'rgazmali o'quv qo'llanma. –T.: "YANGI NASHR", 2011. – 146 b.

11. Urazov K.B., Po'latov M.E. Buxgalteriya hisobi. Darslik. –T.: "Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi", 2020.-415 b.

